

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
БИЛАН
САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ ҲУКУМАТИ
ЎРТАСИДА ҲАВО ҚАТНОВИ ТЎҒРИСИДАГИ
БИТИМ**

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати (кейинги ўринларда “Аҳдлашувчи Томонлар” деб аталувчилар),

1944 йил 7 декабрда Чикагода имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг иштирокчилари сифатида,

бозор муҳотида авиакорхоналар ўртасидаги рақобат асосида, давлат аралашуви ва назорати минимал даражада бўлган халқаро авиация тизимини қўллаб-қувватлаш истагида,

халқаро ҳаво қатновлари имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшиш истагида,

халқаро ҳаво қатновида хавфсизлик ва муҳофазасининг энг юқори даражасини таъминлаш истагида, шунингдек, ҳаво кемаси хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракат ёки таҳдидлар инсонлар ёки мулк хавфсизлигига ва ҳаво қатнови фаолиятига путур етказиши ҳамда жамоатчиликнинг фуқаро авиацияси хавфсизлигига ишончининг камайишидан чуқур хавотирда эканликларини яна бир бор таъкидаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Атамалар**

Мазкур Битимнинг мақсадлари йўлида, башарти матн бошқа изоҳ талаб қилмаса, қуйида келтирилган атамалар шундай маъноларни англатади:

1. “Конвенция” атамаси 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни англатади ва Конвенциянинг 90 ва 94-моддаларига мувофиқ қабул қилинган Илова ва ўзгартиришларни, башарти бундай Илова ва ўзгартиришлар

Ахдлашувчи Томонлар тарафидан ратификация қилинган ёки кучга кирган бўлса, ўз ичига олади.

2. “Авиация маъмуриятлари” атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан – Транспорт вазирлигини ва Саудия Арабистони Подшоҳлигига нисбатан – Фуқаро авиацияси бош маъмуриятини англатади ёки юқорида қайд этилган маъмуриятлар томонидан ҳозирги вақтда бажарилаётган вазифаларни амалга ошириш ваколати берилган ташкилот ёки шахсни англатади;

3. “тайинланган авиакорхона” ушбу Битимнинг 3-моддасига (Авиакорхонани тайинлаш ва рухсатнома бериш) мувофиқ тайинланган ва тегишли рухсатномага эга бўлган авиакорхонани англатади;

4. “тариф” атамаси йўловчилар, юклар ва багаж ташиш учун тўланадиган қийматни ҳамда ана шу қийматларни қўллаш шартларини, жумладан агентликлар ва бошқа ёрдамчи хизматлар учун белгиланган қийматлар ҳамда шартларни англатади; почта жўнатмаларини ташиш шартлари ва унга тўланадиган ҳақлар бундан мустаснодир;

5. “ҳудуд” атамаси Давлатга нисбатан Конвенциянинг 2-моддасида мазкур атама учун кўрсатилган маъноларни англатади;

6. “ҳаво қатнови”, “ҳалқаро ҳаво қатнови”, “авиакорхона” ва “нотижорий мақсадларда тўхташ” атамалари Конвенциянинг 96-моддасида мазкур атамалар учун кўрсатилган маъноларни англатади;

7. “Битим” атамаси ушбу Битимни, унинг Иловасини ва ушбу Битимга ёки унинг Иловасига киритилган ҳар қандай тузатишларни англатади;

8. “Жадвал” атамаси мазкур Битимнинг иловасида кўрсатилган ҳаво қатновлари йўналишлари жадвалини ҳамда мазкур Битимнинг 17-моддасига (Маслаҳатлашувлар ва ўзгартиришлар) мувофиқ келишилган ва уларга киритилган ҳар қандай тузатишларни англатади;

9. “ҳаво кемаси”га нисбатан “ҳажм” атамаси мазкур ҳаво кемаси бутун йўналиш бўйлаб ёки йўналишнинг маълум бир қисмида фойдаланиш учун мавжуд бўлган юк ҳажмини англатади;

10. “эхтиёт қисмлар” атамаси ҳаво кемасини, шунингдек, двигателларни амалга киритиш мақсадида таъмирлаш ёки алмаштириш учун қўлланиладиган жихозларни англатади;

11. “ҳисобдаги мулк” атамаси ҳаво кемаси саҳнида, парвоз давомида қўлланиладиган кўчма шаклдаги саҳн захиралари ва эҳтиёт

кисмларидан мустасно бўлган жихозларни, шу жумладан биринчи ёрдам ва қутқарув жихозларини англатади;

12. “жихозлардан фойдаланиш ва аэропорт йиғимлари” атамаси ҳаво кемалари, уларнинг экипаж аъзолари ва йўловчиларига хизмат кўрсатиш мақсадида аэропорт ва аэронавигация воситаларидан фойдаланиш ва шу каби тегишли хизматлар ва иншоотлар учун авиакорхоналар олдига қўйиладиган тўловларни англатади;

13. “ҳаво ташувлари” атамаси ҳаво кемалари орқали йўловчилар, багаж, юк ва почта жўнатмаларини алоҳида ёки биргаликда ҳақ тўлаш ёки ёллаш билан ташишни англатади;

14. “маҳаллий ҳаво ташувлар” атамаси бир давлат ҳудудида ҳаво кемасига қабул қилинган йўловчилар, багаж, юк ва почта жўнатмалари ушбу давлат ҳудудидаги бошқа пунктга юбориладиган ташувларни англатади;

15. “ҳалқаро ҳаво ташувлар” атамаси бир давлат ҳудудида ҳаво кемасига қабул қилинган йўловчилар, багаж, юк ва почта жўнатмалари бошқа давлат ҳудудида юбориладиган ташувларни англатади;

16. “интермодал ташувлар” атамаси йўловчилар, багаж, юк ва почта жўнатмаларини ҳаво кемаси ёхуд бир ёки бир нечта куруқликдаги транспорт турлари билан алоҳида ёки биргаликда, ҳақ тўлаш ёки ёллаш билан ташишни англатади;

17. “ИКАО” атамаси Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини англатади; ва

18. “Код-шер” атамаси икки ёки ундан ортиқ тайинланган авиакорхоналар ўртасидаги ташувларни амалга ошириш бўйича қўшма тижорат битимларини англатади.

2-модда

Ҳуқуқларни бериш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга Жадвалда белгиланган йўналишлар бўйича халқаро ҳаво қатновларини ўрнатиш ва амалга ошириш мақсадида ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни беради. Мазкур қатновлар ва йўналишлар бундан буён матнда “келишилган қатновлар” ва “белгиланган йўналишлар” деб аталади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томондан тайинланган авиакорхона белгиланадиган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш чоғида қуйида келтирилган ҳуқуқлардан фойдаланади:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидан қўнмасдан учиб ўтиш;

б) айтиб ўтилган ҳудудда нотижорий мақсадларда тўхташ;

с) халқаро қатновларда қатнаётган йўловчилар, юк ва почта жўнатмаларини олиш ва тушириш мақсадида айтиб ўтилган ҳудудда Жадвалда мазкур йўналиш учун кўрсатилган нуқталар тўхташ.

3. Йўналишлар жадвалида кўрсатилган оралик ва ташқари нуқталар транспорт/йўловчи ташиш ҳуқуқларидан фойдаланиш Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро келишиши ва Авиация маъмуриятлари томонидан тасдиқланади.

4. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларидаги ҳеч қайси қоидага бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиақорхонаси(лари)га ҳақ эвазига ёки ёлланиш йўли билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудидаги йўловчилар, юк, багаж ёки почта жўнатмаларини ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги бошқа бир манзилга ташиш ҳуқуқини беради деб қаралмайди.

3-модда

Авиақорхонани тайинлаш ва рухсатнома бериш

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида, бу ҳақда бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бир ёки бир неча авиақорхонани тайинлаш, ва ушбу тайинлашни бекор қилиш ёки уни ўзгартириш ҳуқуқига эга.

2. Бундай тайинлаш тўғрисида хабарнома ҳамда тайинланган авиақорхонадан ўрнатилган шаклда ва тартибда эксплуатация рухсатномасини олиш учун ариза қабул қилингандан сўнг, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қисқа кечикиш билан парвозлар учун тегишли рухсатнома беради, башарти:

а) авиақорхонага устун даражада эгалик қилиш ва уни ҳаққоний назорати авиақорхонани тайинлайдиган Аҳдлашувчи Томон ва/ёки ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароларига тегишли бўлса;

б) авиақорхонани тайинлайдиган Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 13-моддасида (Парвоз хавфсизлиги) ва 14-моддасида (Авиация хавфсизлиги) белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлса; ва

с) тайинланган авиақорхона, тайинлашни қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон давлат қонунчилигига мувофиқ халқаро ҳаво қатновларидан фойдаланишда одатда қўлланиладиган шартларни бажаришга қодир бўлса.

4-модда
Рухсатномадан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш,
бекор қилиш ва чеклаш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасига нисбатан ушбу Битимнинг 3-моддасида (Авиакорхонани тайинлаш ва рухсатнома бериш) кўрсатилган рухсатномани беришни рад этишга ҳамда уни вақтинча ёки доимий бекор қилишга, тўхтатиб туришга ёки унга шарт қўйишга ҳақлидир:

а) авиакорхонага устун даражада эгалик қилиш ва уни ҳаққоний назорати авиакорхонани тайинлайдиган Аҳдлашувчи Томонга ва/ёки ушбу Аҳдлашувчи Томон фуқароларига тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилмаган ҳолда;

б) авиакорхонани тайинлайдиган Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 13-моддасида (Парвоз хавфсизлиги) ва 14-моддасида (Авиация хавфсизлиги) белгиланган қоидаларга риоя қилмаган тақдирда; ва

с) тайинланган авиакорхона, мазкур тайинлашни қабул қилувчи Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ, халқаро ҳаво катновларидан фойдаланишда одатий қўлланиладиган бошқа шартларга жавоб бера олмаса.

5-модда
Жиҳозлар учун тўловлар ва аэропорт йиғимлари

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхона(лар) томонидан белгиланган йўналишларда фойдаланилиши учун аэропорт ёки аэропортларни тайинлайди ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасини алоқа воситалари, авиация ва метрологик воситалар ва келишилган катновлардан фойдаланиш учун зарур бошқа хизматлар билан таъминлайди.

2. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳеч бири бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонаси(лари)га нисбатан ўхшаш ҳаво кемалари ва улар билан боғлиқ жиҳозлар ва хизматлардан фойдаланган ҳолда шу каби халқаро катновлардан фойдаланаётган ўзигинг тайинланган авиакорхонаси(лари)га қўлланиладиган йиғимлардан юқори бўлган йиғимларни жорий қилмаслиги ёки жорий қилинишига рухсат бермаслиги лозим.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон фойдаланувчи/аэропорт йиғимлари ва бундай йиғимларга киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраб муурожаат қилиши мумкин.

6-модда

Божхона божлари ва бошқа йиғимлардан озод қилиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиақорхонасига тегишли халқаро ҳаво катновларида фойдаланиладиган ҳаво кемалари, шунингдек ёнилғи захиралари, мойлаш хом ашёлари, бошқа сарфланадиган техник воситалар, эҳтиёт қисмлар, оддий ускуналар ҳамда ҳаво кемалари саҳнидаги саҳн захиралари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига кириб келгач ва шу ҳудуддан учиб кетгач, ўзаро муносабат асосида, барча божхона божлари ва солиқлар, инспекция йиғимлари ва шу каби бошқа бож ва тўловлардан бу мулк ва хом ашёлар улар қайтариб олиб чиқилгунига қадар ҳаво кемаси саҳнида сақланиб қолиши ёки ушбу ҳудуд устидан парвоз қилиш мобайнида ишлатилиши шарти билан озод этилади.

2. Шунингдек кўрсатилган хизматлар учун олинадиган йиғимлардан ташқари, шу каби бож, солиқ ва йиғимлардан ўзаро муносабат асосида қуйида кўрсатилганлар озод этилади:

а) Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида аэропорт чегараларида мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг мувофиқ идораси орқали ўрнатилган меъёрлар доирасида олинган ва бошқа Аҳдлашувчи Томондан халқаро йўналишларда фойдаланиладиган парвоз қилаётган ҳаво кемасининг саҳнида ишлатиш учун мўлжалланган саҳн захиралари;

б) бир Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига аэропорт чегараларида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхонаси томонидан халқаро йўналишларида фойдаланиладиган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун олиб кирилган эҳтиёт қисмлар;

с) бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхонаси томонидан халқаро йўналишларда фойдаланиладиган парвоз қилаётган ҳаво кемасининг саҳнида ишлатиш учун мўлжалланган ёнилғи ва мойлаш ашёлари, ҳатто бу захиралар бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудуди устидан амалга ошириладиган парвознинг бир қисмида ҳаво кемасининг саҳнига олиб ишлатилган тақдирда ҳам.

3. Мазкур Битимнинг 2-бандида кўрастилган ашёлар божхона қоидаларига мувофиқ улар олиб чиқилгунига ёки ишлатилганига қадар божхона маъмуриятлари назорати остида бўлиши мумкин.

4. Келишув асосида фақат бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхона томонидан фойдаланиш учун бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига киритилган багаж биркалари, авиачипталар, авиация юкхатлари, қўниш талонлари ва жадвал брошюралари каби авиакорхонанинг белгиси бўлган расмий ҳужжатлар барча божхона божлари ва/ёки солиқлардан озод этилади.

7-модда

Келишилган ҳаво қатновларидан фойдаланиш тамойиллари

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновдан фойдаланиш учун адолатли ва тенг ҳуқуқли шарт-шароитлар яратиб берилади.

2. Келишилган қатновларни амалга оширишда, Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг тайинланган авиакорхонаси(лари) бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасининг ташувларига шу йўналиш бўйича ёки унинг бир қисмида кўрсатилган хизматларга ўринсиз зиён етказмаслик учун шу авиакорхонанинг манфаатларини эътиборга олади.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинлаган авиакорхонаси(лари) томонидан йўлга қўйилган келишилган қатновларининг асосий мақсади йўловчилар, юк, багаж ва почта жўнатмаларини ташишда ушбу авиакорхона(лар)ни тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудуди билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудуди ўртасидаги мавжуд ҳамда оқилона мўлжалланган эҳтиёжларни муқобил юк миқдорида қондиришдан иборат бўлиши лозим. Авиакорхонани тайинлаган давлатдан ташқари бошқа давлатлар ҳудудларида белгиланган йўналишлардаги манзилларда сахнга олинган ва туширилган йўловчилар, юк ва почта жўнатмаларини ташишни амалга ошириш иккала Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келишиб олиниши лозим, башарти мазкур ташиш ҳажми қуйидагиларга тегишли бўлмаса:

а) авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига ва ундан олиб ўтиладиган қатнов талаблари;

б) ҳудудни ташкил этувчи давлатлар авиакорхоналари томонидан йўлга қўйилган бошқа транспорт хизматлари ҳисобга олинган ҳолда келишилган қатновлар ўтувчи ҳудуднинг қатнов талаблари;

с) йўналишларнинг фаолияти давомида юзага келадиган талаблар.

4. Тайинланган авиакорхоналарга адолатли ва тенг ҳуқуқли шартлар берилиши учун парвозларнинг мунтазамлиги ва унинг ҳажми, шунингдек парвозларнинг жадвали иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари билан келишиб олишни лозим. Мазкур талабга келишилган қатновларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритилган тақдирда ҳам амал қилиниши лозим.

5. Иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари зарур ҳолларда парвозларнинг жадвали, ҳажми ҳамда мунтазамлиги бўйича қоникарли келишувга эришишга ҳаракат қилишлари лозим.

8-модда

Парвозлар жадвалини тасдиқлаш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан тайинланган авиакорхонаси(лари) бошқа Аҳдлашувч Томоннинг авиация маъмуриятларига келишилган қатновларда парвозларни йўлга қўйишдан камида олтмиш (60) кун олдин таклиф қилинаётган парвозлар жадвалларини тақдим этиш лозим. Мазкур жадвалларда қатновлар ҳамда фойдаланиладиган ҳаво кемалари тури, парвозлар жадвали ва бошқа тегишли маълумотлар бўлиши лозим. Шунингдек, бундай тартиб келгусидаги ўзгартиришларга нисбатан ҳам қўлланилиши лозим. Айрим ҳолларда мазкур муддат юқорида кўрсатилган маъмуриятлар келишувига биноан қисқартирилиши мумкин.

9-модда

Статистика маълумотлари билан таъминлаш

Бир Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларини, уларнинг талабига биноан, мазкур бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига ва ундан қайтишда тайинланган авиакорхона(лар) томонидан келишилган қатновлар бўйича амалга ошириладиган ташувларига боғлиқ ахборот ва статистика маълумотлари билан таъминлашлари лозим. Ушбу маълумотлар ташувларнинг ҳажми, тақсимланиши, бошланиши ва борадиган жойи ҳақида ахборотни ўз ичига олиши лозим. Аҳдлашувчи Томонлар авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларидан олишни ният қилган бошқа қўшимча статистик маълумотлар, тарафларнинг сўрови бўйича, иккала Аҳдлашувчи Томон ўртасида ўзаро муҳокама ҳамда келишуви учун асос бўлади.

10-модда

Қонун ва қоидаларнинг қўлланилиши

1. Бир Аҳдлашувчи Томон давлат қонунчилиги бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан тайинланган авиакорхона(лар) ҳаво кемасининг навигациясига ва ундан фойдаланишда бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига учиб келиши, у ерда бўлиши ва у ердан учиб кетиши мобайнида қўлланилиши лозим.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг йўловчилар, багаж, экипаж аъзолари, юк ва почта жўнатмаларининг ўз давлати ҳудудига кириб келиши, у ерда бўлиши ҳамда у ердан жўнатилишини тартибга солувчи давлат қонунчилиги, хусусан чиқиш, кириш, эмиграция, иммиграция, божхона, валюта, санитария ва карантин қоидаларига оид расмийтчиликлар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига тегишли ҳаво кемаларидаги йўловчилар, экипаж аъзолари, юк ва почта жўнатмаларига нисбатан кўрсатилган ҳудуд доирасида бўлиши чоғида қўлланилади.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон талабига кўра ушбу моддада кўзда тутилган тегишли қонунчилик нусхаларини тақдим этади.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳеч бири ўзининг авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига нисбатан мазкур моддада кўзда тутилган давлат қонунчилигини қўллашга доир ҳеч қандай имтиёз бера олмайди.

11- модда

Даромадларни ўтказиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига(ларига), ўз давлат ҳудудидаги давлат қонунчилигига мувофиқ, йўловчилар, почта ва юкларни ташиш билан боғлиқ ҳисобланган даромадларни мослашувчан тарзда ўтказиш ҳуқуқини беради. Бундай ўтказмалар учун, одатдаги банк йиғимларидан ташқари, йиғимлар қўлланилмайди.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонаси томонидан ҳисобланган даромадларни ўтказиш бўйича чекловлар киритган тақдирда, иккинчи Аҳдлашувчи Томон мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг тайинлаган авиакорхонаси(лари)га нисбатан шундай ўзаро чекловларни киритиш ҳуқуқига эга.

12-модда

Сертификат ва лицензияларни тан олиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бири тарафидан берилган ёки яроқли деб топилган ҳамда амал қилиш муддати тугамаган парвозга яроқлилиқ сертификатлари, малака сертификатлари ва лицензиялар келишилган қатновлардан фойдаланиш мақсадида ушбу сертификатлар ҳамда лицензиялар берилиши ёки яроқли деб топилишига асос бўлган талаблар Конвенцияда улар учун белгиланган минимал стандартларга мувофиқ келиши ёки улардан устун келиши шarti билан бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан тан олинади. Бироқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан яроқли деб топилган ёки ўзининг фуқароларига ўз давлат ҳудудидан учиб ўтиш ёки ўз давлат ҳудудига кўниши мақсадида, берилган малака сертификатлари ва лицензияларни тан олмаслик ҳуқуқига эга.

2. Башarti, мазкур модданинг 1-бандида эслатиб ўтилган, бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари томонидан ҳар қандай шахсга ёки тайинланган авиакорхонага ёки белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларда фойдаланилаётган ҳаво кемаларига нисбатан берилган лицензия ва сертификатларнинг имтиёзлари ва шартлари Конвенцияга биноан белгиланган минимал стандартлардан фарқ қилса ва бу фарқлардан Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти хабардор қилинган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари ўша Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари билан бундай тажрибанинг уларга мослигини аниқлаш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қилиши мумкин.

13-модда

Парвозлар хавфсизлиги

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон истаган вақтда экипаж аъзолари, ҳаво кемаси ва ҳаво кемасидан фойдаланишга тааллуқли соҳаларда бошқа Аҳдлашувчи Томон қабул қилган парвозлар хавфсизлиги бўйича стандартларга тегишли бўлган масалалар юзасидан маслаҳатлар ўтказишни талаб қилиши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар мурожаат этилган кундан эътиборан ўттиз (30) кун давомида ўтказилади.

Агар бундай маслаҳатлашувлар натижасида, бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг Конвенцияга мувофиқ ўша

пайтда белгиланган стандартларга мос келадиган хавфсизлик стандартларини самарали қўлламаётганлиги ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилмаётганлигини аниқласа, бошқа Аҳдлашувчи томон ИКАО стандартларига жавоб бериш бўйича бундай хулоса ва қадамлар ҳақида хабардор этилиши лозим. Бошқа Аҳдлашувчи томон ўн уч (13) кун ичида ёки келишилган муддат ичида тегишли тузатиш чораларини кўради.

2. Конвенциянинг 16-моддасига мувофиқ, бошқариладиган ҳар қандай ҳаво кемаси ёки мазкур Битимнинг тайинлаш қоидаларига кўра бошқаруви ҳеч бир Аҳдлашувчи Томонларнинг авиакорхонасига тегишли бўлмаган ҳамда мазкур Битим қоидаларига мувофиқ Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлатига ёки учинчи томон давлатига тегишли бўлган бошқа ҳаво ташувчисидан лизинг шартномалари орқали боқша Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ва ундан учиб кетиш учун фойдаланувчи ҳар қандай ҳаво кемаси Аҳдлашувчи Томоннинг ваколати шахслари томонидан текширилиши мумкин. Конвенциянинг 33- моддасида кўрсатилган мажбуриятларга қарамай, бу текширувлар ҳаво кемасининг тегишли ҳужжатлари ва унинг экипаж аъзолари лицензияларининг ҳақиқийлигини, ҳаво кемаси ва жиҳозлари ҳолатининг шу вақтда Конвенцияга мувофиқ амал қилувчи Стандартларга мувофиқлигини текшириш мақсадида олиб борилади.

3. Агар авиакорхонанинг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни бажариш зарур бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхонасилари фаолияти учун берилган руҳсатномаларнинг амал қилишни зудлик билан тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг юқорида таъкидланган 3-бандга мувофиқ амалга оширган чора-тадбирлари уларни кўриш учун асослар тугаши билан тўхтатилади.

14-модда

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар фуқаро авиация хавфсизлигини ғайриқонуний аралашув ҳаракатларидан ҳимоя қилиш борасидаги ўз олдидаги мажбуриятларини мазкур Битимнинг ажралмас қисми сифатида янан бир бор тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи томонлар ҳалқаро ҳуқуқда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг умумийлигини чекламаган ҳолда, 1963 йил 14 сентябрда Токиода

имзоланган Ҳаво кемалари саҳнида содир этилган жиноятчилик ва бирқанча бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини ғайриқонуний эгаллаб олинишга қарши кураш бўйича Конвенция, 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш ҳақидаги Конвенция, 1988 йил 24 февралда Монреалда имзоланган Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи аэропортларда ғайриқонуний зўравонлик ҳаракатларини бостириш учун Кўшимча протокол ва 1991 йил 1 мартда Монреалда тузилган Пластик портловчи моддаларни белгилаш бўйича Конвенцияга ҳамда ҳаққон Аҳдлашувчи Томон амал қиладиган фуқаро авиацияси хавфсизлиги билан боғлиқ ҳар қандай бошқа конвенция ёки протоколга мувофиқ иш олиб борадилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар ҳаво кемасининг ғайриқонуний эгаллаб олинишига ҳамда ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва аэронавигация воситаларига, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳар қандай бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишда, ўзаро сўровга кўра, бир-бирларига барча зарурий ёрдамни кўрсатадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан белгиланган ҳамда Конвенцияга Илова сифатида киритилиб, Аҳдлашувчи Томонлар учун амал қиладиган авиация хавфсизлик қоидаларига мувофиқ иш кўрадилар. Улар ўзлари томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемалари фойдаланувчилари ёхуд доимий фаолият жойи ёки турар жойи ўз давлат ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг фойдаланувчилари ҳамда ўзларининг давлат ҳудудларидаги аэропортлар фойдаланувчиларидан ушбу авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар.

4. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бошқа Аҳдлашувчи Томондан ушбу моданнинг 3-бандида айтиб ўтилган авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудига кириши, ундан чиқиши ва у ерда бўлиши учун мазкур ҳаво кемаси фойдаланувчиларидан талаб қила олишлари мумкинлигига келишишади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлат ҳудуди доирасида қўнишдан олдин ва қўниш вақтида ёки юкни туширишда ҳаво кемаларни сақлаш ҳамда йўловчилар, экипаж аъзолари, уларнинг қўл юклари, багаж, юк ва саҳн захираларини текшириш учун тегишли чораларнинг самарали қўлланишини

таъминлайди. Хар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг аниқ таҳдид мавжуд бўлганда махсус ҳавфсизлик чораларини кўриш тўғрисидаги ҳар қандай сўровини оқилона меъёردа кўриб чиқади.

5. Башарти, фуқаро ҳаво кемасини ғайриқонуний эгаллаб олиш ҳодисаси ёки унга бўлган таҳдид ёки мазкур ҳаво кемаси ҳавфсизлигига бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропорт ва аэронавигация воситаларига нисбатан содир бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқаларни ўрнатиш ҳамда бундай ҳодиса ёки таҳдидга жадал ва бешикаст барҳам беришни мақсад қилган бошқа тегишли чоралар кўриш орқали бир-бирларига кўмак кўрсатадилар.

15-модда

Авиакорхонанинг тижорат ваколатхонаси

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонаси(лари) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг кириш, яшаш ҳамда меҳнат фаолияти билан боғлиқ давлат қонунчилигига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида бошқарув, техник, фаолиятга доир ва мавжуд ҳаво қатновларидан фойдаланиш учун зарур бўлган бошқа мутахассислар штатини олиб бориш ва қолдириш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Ушбу ходимларга қўйиладиган талаблар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналарининг танловига биноан ўз ходимлари томонидан ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида фаолият юритадиган ва бошқа авиакорхоналар учун бундай хизматларни кўрсатишга ваколатли бошқа бирор бир ташкилот, компания ёки авиакорхона хизматларидан фойдаланиш орқали қондирилиши мумкин.

3. Вакиллар ва ходимлар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг амалдаги давлат қонунчилигига бўйсунадилар ҳамда ушбу қонун ва қоидаларга мувофиқ:

а) ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзаро асосда ва минимал кечиқиш билан ушбу модданинг (1) бандида кўрсатилган вакиллар ва ходимларга ишлаш учун зарур рухсатномалар, ташриф буюриш визалари ёки бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни тақдим этади; ва

б) ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон вақтинчалик маълум бир вазифаларни бажарадиган ходимлар учун меҳнат рухсатномалари берилиши талабларини осонлаштиради ва тезлаштиради.

16-модда

Тарифлар

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналар томонидан келишилган қатновларда қўлланилаётган тарифлар бошқа авиакорхоналарнинг парвозини амалга оширишга кетадиган харажатлари, оқилона фойдаси, бажарилаётган парвозларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тарифлари билан бир қаторда барча мувофик омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона даражада бўлиши лозим.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган тарифлар имкон қадар бозорнинг сўров ва таклифлари асосида белгиланиши лозим.

3. Қўлланилаётган тарифлар, ҳисобга олиш ҳамда бозордаги ҳар қандай адолатсиз рақобатга қарши тегишли чоралар кўриш учун, ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон Авиация маъмуриятларига тақдим этилиши лозим.

4. Агарда ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхоналар ўртасида бозордаги адолатсиз рақобат туфайли тарифлардан фойдаланиш билан боғлиқ келишмовчилик пайдо бўлса, бу мазкур Битимнинг 33-моддаси (Баҳсларни ҳал қилиш) қоидаларига мувофик тартибга солиниши лозим.

5. Аҳдлашувчи Томонлар ҳар қандай авиакорхона, йўловчи ёки юк агенти, сайёҳат ташкилотчиси ёки экспедитор томонидан ушбу моддага мувофик белгиланган тарифларнинг бузилишини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида фаол ва самарали механизм мавжудлигини таъминлашга интиладилар. Бундан ташқари, улар ушбу тарифларнинг бузилиши учун изчил ва камситишларсиз огоҳлантириш чоралари орқали жазоланишини кафолатлашлари лозим.

17-модда

Маслаҳатлашувлар ва ўзгартиришлар

1. Яқин ҳамкорлик руҳида ҳар икки Аҳдлашувчи Томон ёки уларнинг Авиация маъмуриятлари ора-орада бир-бирлари билан мазкур Битим ҳамда унинг Иловасидаги қоидаларга риоя этилиши ва уларнинг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказишлари лозим.

2. Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур Битимнинг қайсидир шартларини ўзгартиришга қарор қилса, у бошқа Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар уларни ўтказиш ҳақида ёзма сўров

олинган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим. Мазкур Битимга ҳар қандай келишилган тузатишлар киритиш конституциявий ёки бошқа талаб қилинадиган процедуралар якунланганлиги тўғрисидаги дипломатик ноталар алмашинуви йўли билан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

3. Илова қилинган Жадвалга тегишли тузатишлар ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасида келишиб олиниши мумкин. Бундай тузатишлар иккала авиация маъмуриятлари томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

18-модда

Саёҳат ҳужжатлари хавфсизлиги

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон уларнинг паспортлари ва бошқа саёҳат ҳужжатлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар қўришга розилик билдиради.

2. Шу муносабат билан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Аҳдлашувчи Томон томонидан ёки унинг номидан берилган паспортлар, бошқа саёҳат ҳужжатлари ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни қонуний равишда яратиш, бериш, текшириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат ўрнатишга розилик беради.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, у чиқарадиган саёҳат ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни осонликча бошқа ниятларда ишлатиш ёки ноқонуний равишда ўзгартириш, нусхалаш ёки бериш имкони бўлмаган даражада сифатли бўлишини таъминлаш учун процедураларни ўрнатишга ёки уларни такомиллаштиришга ҳам розилик беради.

4. Юқоридаги мақсадларга мувофиқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз паспортларини ва бошқа саёҳат ҳужжатларини ИКАО билан боғлиқ ҳужжатлар ва қоидаларга мувофиқ расмийлаштиради.

5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, сохта ёки қалбаки саёҳат ҳужжатлари тўғрисида тезкор маълумот алмашиш ҳамда саёҳат ҳужжатларидаги фирибгарлик, шу жумладан, саёҳат ҳужжатларини қалбакилаштириш ёки сохталаштириш, қалбаки ёки сохта саёҳат ҳужжатларидан фойдаланиш, бегона шахслар томонидан ҳақиқий саёҳат ҳужжатларининг фойдаланилиши, қонуний эгалар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этишда ёрдамлашиш учун ҳақиқий саёҳат ҳужжатларини суиистеъмол қилиш, муддати ўтган ёки бекор қилинган саёҳат ҳужжатларидан фойдаланиш ва фирибгарлик йўли билан олинган саёҳат ҳужжатларидан фойдаланишга қаршилиқни кучайтириш учун ҳамкорлик қилишга розилик беради.

19-модда
Рухсат берилмаган, ҳужжатсиз
ва депорт қилинган йўловчилар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон самарали чегара назорати ўрнатишга розилик беради.

2. Шу муносабат билан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Конвенциянинг 9-иловасидаги (Расмийтчиликларни соддалаштириш) рухсат берилмаган, ҳужжатсиз ва депортация қилинган йўловчиларга нисбатан стандартлар ва тавсия этилган амалиётларни қўллашга розилик беради.

3. Юқоридаги мақсадларга мувофиқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қалбакилаштирилган ёки сохта саёҳат ҳужжатларини олиб қўйишга оид Илованинг 3-бобининг тегишли хатбошилариغا биноан чоралар кўришда Конвенциянинг 9-иловасида (Расмийтчиликларни соддалаштириш) келтирилган “сохталаштирилган ёки қалбаки саёҳат ҳужжатлари ёки фирибгарлар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳужжатлар”га тегишли хатларни беришга ва қабул қилишга розилик беради.

20-модда
Тўғридан-тўғри транзит

Ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудуди орқали тўғридан-тўғри транзитда бўлган ва шу мақсадда белгиланган аэропорт ҳудудидан чиқмайдиган йўловчилар, багаж ва юклар, ҳеч қандай текширувларга жалб қилинмаслиги лозим, авиация хавфсизлиги, гиёҳванд моддаларни назорат қилиш, ноқонуний кириб келишининг олдини олиш сабаблари бундан мустасно. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри транзитдаги юк ва багажлар ҳар қандай божхона тўловларидан озод қилинади.

21-модда
Ҳаққоний рақобат

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон:

а) ҳар бир тайинланган авиакорхона Битим билан тартибга солинадиган халқаро ҳаво ташувларини амалга оширишда рақобатлашиш учун адолатли ва тенг имкониятга эга бўлишига; ва

б) бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонасининг рақобатдош мавқеига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай камситиш ёки носоғлом рақобат амалиётини йўқ қилиш бўйича чоралар кўришга розилик беради.

22-модда

Хавфсизлик чоралари

1. Аҳдлашувчи Томонлар авиакорхоналарининг қуйидаги амалиётлари батафсил ўрганилиши лозим бўлган адолатсиз рақобат амалиёти сифатида кўрилиши мумкинлиги юзасидан келишиб олдилар:

а) йўналишлар бўйича белгиланган тариф ва нархларларни мазкур йўналишларга тегишли бўлган хизматларни кўрсатиш ҳаражатларини қоплаш учун етарли бўлмаган даражаларда олиш;

б) ҳаддан ташқари қатнов ҳажми ёки частотасининг ортиши;

с) кўриб чиқиладиган амалиётлар вақтинча эмас, балки барқарор бўлса;

д) кўриб чиқиладиган амалиётлар бошқа авиакорхонага жиддий салбий иқтисодий таъсир кўрсатса ёки унга катта зарар етказса;

е) кўриб чиқиладиган амалиётлар бошқа авиакорхонани бозорга киритмаслик, уни четлатиб қўйиш ёки чиқариб юборишга бўлган аниқ ниятни акс эттирса ёки шундай таъсир этиш эҳтимоли бўлса.

2. Агар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурияти бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан режалаштирилган ёки амалга оширилган фаолият ёки фаолиятлари ушбу модданинг (1) бандида қайд этиб ўтилган кўрсаткичларга мувофиқ адолатсиз рақобат хатти-ҳаракатларини келтириб чиқариши мумкин деб ҳисобласа, муаммони ҳал қилиш учун мазкур Битимнинг 17-моддасига (Маслаҳатлашувлар ва ўзгартиришлар) мувофиқ маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Ҳар қандай бундай сўров унинг сабаблари тўғрисида хабарнома билан бирга бўлиши ҳамда маслаҳатлашувлар сўров берилган кундан бошлаб ўн беш (15) кун ичида бошланиши лозим.

3. Агар Аҳдлашувчи Томонлар муаммони маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қила олмасалар, ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон баҳсни ҳал қилиш учун мазкур Битимнинг 33-моддасига (Низоларни ҳал қилиш) мувофиқ баҳсларни ҳал қилиш механизmidан фойдаланиши мумкин.

23-модда

Рақобат қонунлари

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўзларининг рақобат тўғрисидаги қонунлари, сиёсати ва амалиёти ёки улардаги ўзгаришлар, шунингдек ушбу Битимга мувофиқ ҳаво транспорти хизматларининг фаолиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай аниқ мақсадлари тўғрисида бир-бирларини хабардор қилишади ва уларнинг амалга ошишига масъул идораларни белгилайдилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар, ўзларининг давлат қонунчилигига мувофиқ рухсат этилган даражада, ҳар қандай таклиф қилинадиган авиакорхона амалиётининг ўзларининг рақобат тўғрисидаги қонунлари, сиёсати ва амалиётига мувофиқлиги тўғрисида маслаҳат бериш орқали бир-бирининг авиакорхоналарига ёрдам беришади.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзларининг рақобат тўғрисидаги қонунлари, сиёсати ва амалиётини қўллаш билан ушбу Битимнинг амал қилишидан келиб чиқадиган масалалар ўртасида номувофиқлик бўлиши мумкин деб ҳисоблаган тақдирда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим; ушбу Битимнинг 17-моддасида (Маслаҳатлашувлар ва ўзгартиришлар) қайд этилган маслаҳатлашув жараёни, ҳар қандай Аҳдлашувчи Томонларнинг илтимосига биноан, бундай зиддият мавжудлигини аниқлаш ва уни ҳал қилиш ёки минималлаштириш йўллари топиш учун ишлатилади.

4. Рақобат тўғрисидаги қонунлар, сиёсат ва амалиётни қўллашда бирон бир келишувга эришилмаган тақдирда, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан билдирилган фикрларни тўлиқ ва тушунувчанлик билан кўриб чиқади ва халқаро ҳурмат, мўътадиллик ва эҳтиёткорликни ҳисобга олади.

24-модда

Авиаташувларни сотиш ва маркетинг

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига ўз давлат ҳудудида халқаро ҳаво хизматларини ва тегишли маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш (тўғридан-тўғри ёки тайинланган авиакорхонанинг танлови бўйича агентлар ёки бошқа воситачилар орқали), шу жумладан он-лайн ва офф-лайн офислар очиш ҳуқуқини беради.

2. Ҳар бир авиакорхона ушбу ҳудуднинг валютасида ёки ўз хоҳишига кўра бошқа мамлакатларнинг эркин конвертация қилинадиган валюталарида авиаташувларни сотиш ҳуқуқига эга ва

ҳар қандай шахс ушбу авиаташувларни мазкур авиакорхона томонидан қабул қилинган валюталарда сотиб олиш ҳуқуқига эга, башарти бундай сотувлар Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат қонунчилигига зид келмаса.

25-модда

Йўналишда ҳаво кемаларини ўзгартириш

1. Ҳар бир тайинланган авиакорхона келишилган қатновларнинг ҳар қандай ёки барча йўналишларида ҳамда ўз хоҳишига кўра бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида ёки белгиланган йўналишларнинг исталган нуқтасида ҳаво кемаларини ўзгартириши мумкин, башарти:

а) ҳаво кемасини алмаштириш жойидан ташқарида фойдаланиладиган ҳаво кема, вазиятга қараб, учиб келувчи ёки учиб кетувчи ҳаво кема билан бир вақтда режалаштирилган бўлиши лозим; ва

б) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудидаги ҳаво кемаси ўзгарган тақдирда ва ўзгариш нуқтасидан ташқарида бир нечта ҳаво кемалари фаолият юритадиган бўлса, бундай ҳаво кемаларининг фақат биттаси бир хил ҳажмда бўлиши мумкин ва уларнинг ҳеч бири учинчи ва тўртинчи ҳаво эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланаётган ҳаво кемасидан катта ҳажмда бўлмаслиги лозим.

2. Ҳаво кемаларини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятларни ўзгартириш мақсадида, тайинланган авиакорхона ўз ускуналарини ва миллий қонунчиликка мувофиқ, ижарага олинган ускуналарни ишлатиши ҳамда бошқа авиакорхона билан тижорат битимлари асосида иш олиб бориши мумкин.

3. Тайинланган авиакорхона ҳаво кемаларини ўзгартириш фаолиятлари учун турли хил ёки бир хил рейс рақамларидан фойдаланиши мумкин.

26-модда

Ер усти хизмати

Амалдаги хавфсизлик қоидаларига, шу жумладан, 6-иловада келтирилган ИКАО стандартлари ва тавсия этилган амалиётларига риоя қилган ҳолда, тайинланган авиакорхона рақобатдош ер усти хизмати кўрсатувчиларини танлаши мумкин.

27-модда

Код-шеринг/ҳамкорлик битимлари

1. Белгиланган йўналишларда келишилган қатновларни амалга оширишда ёки хизматларни тақдим этишда бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси, хоҳ парвозларни амалга оширувчи авиакорхона ёки маркетинг авиакорхона сифатида, уни тайинлаган Аҳдлашувчи Томоннинг давлат қонунчилигига мувофиқ қўшма маркетинг битимлари, шу жумладан қўшма корхоналар, блокланган жойлар ёки код-шеринг битимларини чекламаган ҳолда:

а) ҳар қандай Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналари; ва/ёки

б) учинчи мамлакат авиакорхонаси ёки авиакорхоналари; ва/ёки

с) маҳаллий йўналишдаги авиакорхона ёки авиакорхоналари билан тузиши мумкин.

(б) ва (с)-бандларда кўрсатилган келишувлар бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан тасдиқланиши лозим.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳуқуқлардан фақат қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

а) бундай барча авиакорхоналар тегишли йўналиш ва унинг қисмларида парвозларни амалга ошириш учун тегишли ташув ҳуқуқларига ва/ёки рухсатномаларига эга бўлганда; ҳамда

б) ҳар қандай сотилган чипталарга нисбатан, авиакорхона харидорга сотиш жойида бу код-шеринг хизмати эканлиги ва хизматни ҳар бир йўналиш қисмида қайси авиакорхона фаолият кўрсатиши, ва харидор қайси авиакорхона билан шартномавий муносабатларга киришаётгани тўғрисида билдириши лозим.

3. Бошқа авиакорхоналар томонидан амалга ошириладиган қатновлардаги маркетинг авиакорхонаси сифатида тайинланган авиакорхонанинг парвоз ҳажмлари маркетинг авиакорхонасини тайинлайдиган Аҳдлашувчи Томоннинг парвоз ҳажмларига нисбатан ҳисобга олинмайди.

28-модда

Ҳаво кемалари лизинги

1. Ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 13-моддаси (Парвозлар хавфсизлиги) ва 14-моддасига (Авиация хавфсизлиги) зид бўлган ижарага олинган ҳаво кемаларида хизмат кўрсатишни тақиқлаши мумкин.

2. Юқоридаги (1) бандга биноан ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари ушбу Битимга мувофик қуйидаги йўллар орқали хизматларни кўрсатиши мумкин:

а) ҳар қандай авиакорхоналардан экипажсиз лизингга олинган ҳаво кемаларидан фойдаланиш;

б) худди шу Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа авиакорхоналаридан экипаж билан лизингга олинган ҳаво кемаларидан фойдаланиш;

с) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхоналаридан экипаж билан лизингга олинган ҳаво кемаларидан фойдаланиш; ва

д) учинчи давлатларнинг авиакорхоналаридан экипаж билан лизингга олинган ҳаво кемаларидан фойдаланиш;

Юқоридаги б), с) ва д) бандларда кўрсатилган барча авиакорхоналар тегишли рухсатномаларга эга бўлишлари ва одатда ушбу келишувларга нисбатан қўлланиладиган талабларга жавоб беришлари лозим.

3. Юқоридаги (2) д) банддан қатъий назар, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари учинчи давлатларнинг авиакорхоналаридан қисқа муддатли, вақтинчалик асосда, экипаж билан ижарага олинган ҳаво кемаларидан фойдаланган ҳолда ушбу Битим бўйича хизматлар кўрсатиши мумкин.

29-модда

Интермодал хизматлар

Ҳар бир тайинланган авиакорхона йўловчилар ва/ёки ҳаво юкларини ташиш учун ўзининг ёки бошқаларнинг ер усти транспорти хизматидан фойдаланиши мумкин.

30-модда

Компьютер бронлаш тизими

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида компьютер бронлаш тизимларини тартибга солиш ва улардан фойдаланиш бўйича ИКАО Кодекси қоидаларини қўллайди.

31-модда

Атроф-муҳит муҳофазаси

Аҳдлашувчи Томонлар авиациянинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зарурлигини

қўллаб-қувватлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар ўзларининг давлат ҳудудлари ўртасидаги парвозлар бўйича 16-иловадаги ИКАО стандартлари ва тавсия этилган амалиётларига, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги ИКАО сиёсати ва кўрсатмаларига мувофиқ уларга риоя қилиш юзасидан келишиб олдилар.

32-модда

Чекишни тақиқлаш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат ҳудудлари ўртасида йўловчилар ташишдаги барча қатновларда чекишни тақиқлайди. Ушбу тақиқ ҳаво кемаси ичидаги барча жойларга тааллуқлидир ҳамда йўловчиларни ҳаво кемасига чиқаришни бошлаган вақтдан бошлаб уларни ҳаво кемасидан тушириш тугагунга қадар амал қилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз авиакорхоналари, уларнинг йўловчилари ва экипаж аъзолари томонидан ушбу модданинг қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун оқилона деб ҳисоблаган барча чораларни кўради, шу жумладан бунга риоя қилинмаган ҳолда тегишли жазо чораларини қўллайди.

33-модда

Низоларни ҳал қилиш

1. Агар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида мазкур Битим ҳамда унинг Иловасини изоҳлаш ёки қўллаш натижасида ҳар қандай низ келиб чиқса, Аҳдлашувчи Томонлар уни биринчи навбатда музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилишади.

2. Агар Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар ўтказиш йўли билан ўзаро келишувга кела олмасалар, улар мазкур низони ҳал қилиш учун бошқа бир маълум шахс ёки ташкилотга маслаҳат учун мурожаат қилишлари мумкин.

3. Агарда Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битимнинг 1 ва 2-бандлари бўйича келишувга кела олмасалар, Аҳдлашувчи Томонлардан бири низони ҳал қилиш учун ҳар бир Аҳдлашувчи Томондан тайинланган биттадан арбитр ва ана шу икки арбитр томонидан тайинланган яна бир арбитрдан иборат, жами учта арбитрдан ташкил топган арбитраж судига мурожаат қилиши мумкин. Низо арбитражга мурожаат қилинган тақдирда, Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири низони ҳакамлар судига бериш ҳақидаги

хабарномани дипломатик каналлар орқали олинган кундан бошлаб келгуси олтмиш (60) кун ичида арбитрни тайинланади, учинчи арбитр эса биринчи иккала арбитр тайинланган охирги санадан бошлаб келгуси (60) кун ичида тайинланиши лозим. Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бири арбитрни кўрсатилган муддат ичида тайинлай олмаса ёки учинчи арбитрнинг номзоди кўрсатилган муддат ичида тайинланган икки арбитр томонидан тасдиқланмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан истаган бирининг талабига кўра, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Кенгаши Президенти арбитр тайинлай олмаган Аҳдлашувчи Томон учун арбитрни ёки учинчи арбитрни тайинлаши мумкин. Лекин учинчи арбитр тайинланиш вақти давомида ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон билан дипломатик алоқалари бўлган давлат фуқароси бўлиши лозим.

4. Арбитрни тайинлаш Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Кенгаши Президентига юклатилган тақдирда, агар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Кенгаши Президенти бу вазифани амалга ошира олмаса, ёки у Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса, тайинлаш Вице-Президент томонидан амалга оширилиши лозим, башарти Вице-Президент ҳам бу вазифани амалга ошира олмаса ёки у ҳам Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса, тайинлаш Кенгашнинг Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлмаган катта аъзолари томонидан амалга оширилиши лозим.

5. Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан келишилган бошқа қоидаларга мувофиқ, арбитраж ўзининг процессуал қоидалари ва арбитраж жойини белгилаши лозим.

6. Арбитраж қарорлари Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан мажбурий бажарилиши лозим.

7. Арбитраж харажатлари, арбитрларнинг иш ҳақи ва тўловлари ҳамда ИКАО кенгаши томонидан амалга оширилган харажатлар Аҳдлашувчи Томонларнинг ўртасида тенг тақсимланади.

34-модда

Кўп томонли конвенциялар ва битимларга мувофиқлик

Мазкур Битим ва унинг иловаси Аҳдлашувчи Томонлар учун мажбурий бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кўп томонлама конвенциялар ёки битимларга мувофиқ бўлиши учун ўзгартирилади.

35-модда

Битим амал қилишини тугатиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бири исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда ва дипломатик каналлар орқали мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиш қарори тўғрисида хабардор қилиши мумкин. Бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига ҳам юборилади.

2. Бу ҳолда, Битим бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани олган кундан эътиборан ўн икки (12) ой ўтганидан сўнг, агар Битимни амал қилиш қилишини тўхтатиш тўғрисидаги хабарнома бу муддат тугагунига қадар Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро розилигига биноан қайтариб олинмаса, Битимнинг амал қилиш қилиши тугатилади. Агар бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан хабарнома олинганининг тасдиғи бўлмаса, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти хабар олинганидан сўнг ўн тўрт (14) кун ўтгач бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан хабарнома олинган деб ҳисобланади.

36-модда

ИКАОда рўйхатдан ўтиш

Мазкур Битим, ва кейинчалик унга киритиладиган барча ўзгартиришлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

37-модда

Битимнинг кучга кириши

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларини ушбу унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички тартиб-таомилларини ўз давлат қонунчиликларига мувофиқ яқунлаганликлари тўғрисида дипломатик каналлар орқали охириги ёзма равишда хабардор қилган санадан эътиборан кучга киради.

Мазкур Битим кучга кириши билан Жидда шаҳрида 2009 йилнинг 7 апрелида, ҳижрий 1430 йил рабиуъл ахир 11 кунда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги Битимнинг амал қилиши тугатилади.


УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ҲОЛДА, қуйида имзо чекувчилар тегишли тарзда ўз ҳукуматлари томонидан ваколатланган ҳолда мазкур битимни имзоладилар.

Йўналишлар жадвали мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Куала-Лумпур шаҳрида, 2024 йилнинг 22 октябрида, ҳижрий 1446 йил рабиус соний ойининг 14 санасида, икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил аутентик ва ҳар бир Аҳдлашувчи Томон Битим қоидаларини бажариш учун унинг ҳар бир тилда биттадан асл нусхасини сақлайди.

Мазкур Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан



Тахир Назаров
Транспорт вазирлиги
ҳузуридаги “Ўзавиация”
агентлиги директори

Саудия Арабистони Подшоҳлиги
Ҳукумати номидан



**Абдулазиз бин Абдуллох ал-
Дуаилеж**
“Фуқаро авиация”си бош
маъмурияти президенти

Йўналишлар жадвали

1-бўлим

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тайинланган авиакорхона ёки авиакорхоналарга қуйидаги йўналишлар бўйича ҳар икки томонга мунтазам халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш ҳуқуқи берилади:

Ўзбекистон Республикасидаги манзиллар	Оралик манзиллар	Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги манзиллар	Ташқаридаги манзиллар
Исталган манзиллар	Исталган манзиллар	Исталган халқаро манзиллар	Исталган манзиллар

2-бўлим

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати томонидан тайинланган авиакорхона ёки авиакорхоналарга қуйидаги йўналишлар бўйича ҳар икки томонга мунтазам халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш ҳуқуқи берилади:

Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги манзиллар	Оралик манзиллар	Ўзбекистон Республикасидаги манзиллар	Ташқаридаги манзиллар
Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги исталган манзил	Исталган манзиллар	Исталган халқаро манзиллар	Исталган манзиллар

3-бўлим: Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхоналари томонидан фойдаланиладиган йўналишлар бўйича эслатма:

1. Ҳар бир йўналиш авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудидан бошланиши ёки тугаши шарти билан, тайинланган авиакорхоналарнинг хоҳишига кўра ҳар қандай ёки барча

парвозларни амалга оширишда ҳар қандай белгиланган йўналишлардаги оралиқ ёки ташқаридаги манзиллар тушириб қолдирилиши мумкин.

2. Ҳар бир тайинланган авиакорхона мазкур Битимнинг Иловасида кўрсатилган оралиқ манзиллар ҳамда ташқаридаги манзиллардан, агарда ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон ўртасида махсус келишув амалда бўлса, мазкур манзиллар ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудлари оралиғида бешинчи ҳаво эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.